

## АРУЗГА ОИД ТУШИНЧА БЕРУВЧИ ИЛК МАНБАЛАР

Зоҳидов Муҳаммадали

Арузига оид илк манбалар деганда, албатта, араб арузи назарда тутилади. Маълум нарса шуки, форсий, урду ва туркий арузнинг асли ва манбаси араб арузидир. Шундай экан, араб арузига доир илк ва ўрта асрларда ёзилган асарлар билан танишамиз.

### **Муъжам фи илмил аруз (Аруз илми ҳақидаги қомус).**

Ушбу аср аруз илмининг асосчиси Халил ибн Аҳмад Фароҳидий(719-795)нинг қаламиган мансубдир. У V-VIII асрларда яшаган шоирларнинг шерларини йиғиб, таҳлил қилади ва аруз баҳрлари ҳақидаги ўз назариясини тақдим қилади. Олим ўрганишлар натижасида баҳрларнинг оҳанглари турлича эканини кашф қилиб, 15та баҳр ишлаб чиқади. Улар қуйдагилардир: тавил, мадид, басит, вафир, комил, ҳазаж, ражаз, рамал, сарий, мунсарих, ҳафиф, мудорий, муқтадаб, мужтасс, мутақориб. Ушбу баҳрларни 5та доирага жамлайди.

Халил ибн Аҳмаднинг ушбу” Муъжам фи илмил аруз” асаригача араб олмида аруз ва унинг баҳрлари ҳақида тадқиқот маълум эмас. Ушбу асарнинг асл нусхаси бизгача келмаган. 1980йилда Муҳаммад Саид Асбар ва Муҳаммад Абу Алилар асарни тўлиқ варянтини тиклашди<sup>1</sup>. Шунингдек, Маҳмуд Мустафо Халил ибн Аҳмаднинг асарига бағишланган “Иҳда сабили ила илмил Холил” номли китоб ёзди<sup>2</sup>.

### **Китабул аруз(Аруз китоби).**

Ушбу асарнинг муаллифи машҳур наҳвчи олим Абул Ҳасан Аҳфаш(830в.)дир. Бундан ташқари қофия илмига бағишланган “Китабул қофия” асари ҳам мавжуддир. Абул Ҳасан Аҳфаш Халил ибн Аҳмаднинг аруз борасидаги барча қарашларини маъқуллаган. Шу билан бирга “Мутадорик” номли битта баҳрни зиёда қилиб, баҳрлар сонини 16 етказган. Ушбу асар 1998йили Саййид Баҳровий тарафидан тадқиқ қилинган<sup>3</sup>.

### **Китабул аруз(Аруз китоби).**

Ушбу китоб Абу Исҳоқ Зажажга тегишли бўлиб, Халил ибн Аҳмад ва Аҳфашнинг китобидан кейинги учунчи ўринда туради. Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Истамбулдаги Жоруллоҳ Афанди кутубхонасида №1834 инвентар рақами остида сақланади. 1978йил доктор Ниҳад Муҳаммад Жаттан бу китоб

<sup>1</sup> محمد سعيد اسبر، ابو على، الخليل، معجم في علم العروض، بيروت، 1980.

<sup>2</sup> محمود مصطفى، اهدى سبيل الى علمي الخليل، العروض والقافية، القاهرة، 1971.

<sup>3</sup> كتاب العروض لابي الحسن سعيد بن مسعدة الاحفش، تحقيق و دراسة: سيد ، ج1، دارشقيات للنشر والتوزيع، القاهرة، 1998  
البحراوي

ҳақида маълумот берган<sup>4</sup>. 1980йилда доктор Рамозон Шишнинг “Туркия кутубхоналарида сақланувчи араб тилдаги нодир қўлёзмалар” каталигида мазкур қўлёзманинг қисқача таърифи келтирилади. К Брокелманн ва Фуад Сезгининг машҳур каталигида ушбу қўлёзма ҳақида маълумот йўқ. Ушбу асар 2004 йил доктор Сулаймон Абу Ситта томонидан таҳқиқ қилинган.

#### **Китабул аруз(Аруз китоби).**

Ушбу китобнинг муаллифи наҳв, фикҳ, ҳадис ва адаб илмлари соҳиби Исҳоқ Жаримий Басрий(840в)дир. Аҳфаш ва Асмаъий унинг устози ҳисобланади. Мубаррад, Абу Усмон Мазийний, Абу Муҳаммад Тузинийлар шогирди ҳисобланади. Исҳоқ Жаримийнинг бундан ташқари “Мухтасар фин наҳв”(Наҳвга оид мухтасар китоб), “Абния”(Архаик сўзлар илми) каби асарлари бизгача етиб келган<sup>5</sup>.

#### **Китабул аруз(Аруз китоби).**

Ушбу асрнинг муаллифи Басралик наҳв, балоҳат, фасоҳат илмларининг билмдони Абу Аббос Мубаррад(825-899)дир. У Абу Усмон Мазиний, АбуҲатим Сижистоний, Исҳоқ Жаримийларнинг шогирдидир. Мубарраднинг “ал-Камил”, “ал-Музаккар вал муаннас”, “Шарҳу абёти шаваҳид”каби арлари ҳам мажуд.олимнинг “Китобул аруз” асарида шеър илми, аруз назарияси ва кўплаб араб шерларидан мисоллар келтирилган<sup>6</sup>.

#### **Ал-аруз.**

Ушбу асар басралик наҳв, сарф, фикҳ, шеър каби илмларнинг олими Абу Бакр Саррож(928в.) қаламига мансубдир. У Мубаррад ва Зажажларнинг шогирдидир. Унинг “Усул фин наҳв”(Наҳв асослари), “Илалул наҳв”(Наҳвдаги ноқисликлар), “Иштиқоқ” кабититоблари мажуд. “Ал-аруз” асарининг ягона нусхаси Мағриб давлатининг миллий кутубхонасида (№127) рақамида сақланади<sup>7</sup>.

#### **Ал-жамиъу фил аруз вал қофия( Аруз ва қофия илмини жамловчи).**

Унинг муаллифи Абул Ҳасан Арузий(860-940)дир. Асарнинг ягона қўлёзма нусхаси Тунис кутубхонасининг қўлёзмалар фондида сақланади. Ушбу асарнинг муқаддимасида Арузий Абу Исҳоқ Зажажнинг шогирди эканлигини қайд этади. Асарда аруз илмининг барча мавзулар тўлиқ ёритилган.Халилибн Аҳмад ва Аҳфашнинг қарашларини мулоҳаза қилиб ўз фикрларини баён

<sup>4</sup> مجلة الجامعة،الموصل،العدد1، 1978

<sup>5</sup> طه علي محمد عبدالرازق،اراء الجرمي في شرح المفصل و موقف ابن يعيش،المجلدالتاسع من العدد الحادي و الثلاثون لحوالية كلية الدراسات الاسلامية والعربية للبنات بالاسكندرية،

<sup>6</sup> Дилдора Худжанова. XII асрда мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбалар. – Тошкент.:Тошкент давлат шарқшунослик унверситети, 2021. – Б.17.

<sup>7</sup> كتاب العرض لابي بكر بن السراج،تحقيق الدكتور عبد الحسينالفتلي، مجلة كلية الادب،ع،15،بغداد،1972

қилган. Ушбу асар Байрутда Зуҳайр Ғамазий Зоҳид ва Халил Нажиблар томонидан тадқиқ қилинган<sup>8</sup>.

#### **Ал-икдул фарид**(Ноёб маржон).

Ушбу китоб араб адабиётида муҳим китоблардан ҳисобланиб, Ибн Абди Роббиҳи (860-940) Андалусийнинг китобидир. У Кардованинг машҳур олимларидандир. Ибн Ваддох, Яҳё ибн Яҳё, Зиряб каби олимларнинг шогирди ҳисобланади. Ушбу асар катта ҳажмда бўлиб, 25та бобни ўз ичига олган. Ҳар бир боб қиммат баҳо тошлар номи билан номланган. Мсалан, дур, марварид, гавҳар каби<sup>9</sup>. Антологиянинг аруз илмига тегишли бўлими кейинчалик ёзилган кўпгина асарларга асос бўлиб хизмат қилган.

#### **Икнау фил аруз вал қофия**(Аруз ва қофияга оид тавсия).

Ушбу асар Соҳиб ибн Аббод(936-995)нинг асаридир. Асарнинг 2та қўлёзма нусхаси аниқланган. Унинг қадимий нусхаси Париж миллий кутубхонасида (№6047) сақланади. Яна бир нусхаси Қоҳирадаги Қўлёзмалар институтида мавжуд. У Абул фзил ибн Умайд(938в.) ва Абу Саид Сайрофий(930в.)каби улуғ устозлардан дарс олган<sup>10</sup>. Аруз соҳасида Соҳиб ибн Аббод Халил ибн Аҳмад изидан бориб, ўз асрида мутадорик баҳрини тан олмайди. Халил келтирган шеърӣ байтларни мисол қилиб келтиради. Лекин зиҳофни таърифлашда мустақил ёндашади.

#### **Мухтасарул аруз.**

Ушбу асар Абу Фатҳ Усмон ибн Жинний(1002в.)нинг қаламига мансубдир. У Абулфараж Исфаҳоний, Абул Аббос Наҳвий, Абу Алий Фарисийларнинг шогирдидир. “Мухтасарул аруз” асарининг қўлёзма нусхаси Британия музейида, Берлин (№7108), Вена(222), Туркия ҳамда Тунис (№18610) миллий кутубхоналарида сақланади.

“Ал-Умда фи маҳаасин ал-шъер” (Шеърӣят гўзалликлари ва одоби ҳақида таянч асар).

Ушбу асарнинг соҳиби Ибн Рашийқ Қайрований (1071 в.)дир. Унинг устозлари Ибн Жаъфар Қазаз ва Ибн Иброҳим Наҳшилийлар бўлишган. Унинг адаб илмига оид энциклопедик “Ал-Умда” асари 30 бобдан иборат бўлиб, шеърӣятга оид 59 та фасл мавжуд<sup>11</sup>. Асарнинг қўлёзма нусхаларидан 2 таси Мисрда, 1 та нусхаси Тунисда сақланади. Асар аруз илмига маҳсус бағишланмаган бўлса-да, арузга оид боб араб арузи, вазн, рукнлар, арузий

<sup>8</sup> الجامع في العروض والقوافي ابو الحسن العروضي، تحقيق الدكتور زاهدو هلال ناجب، دارالعقد، بيروت 1996

<sup>9</sup> Исламская цивилизация. История и современность. Коллектив авторов. – Москва, 2016. – Б. 36.

<sup>10</sup> القناع في العروض للمصاحب ابن عباد، تحقيق الشيخ محمد حسن آل ياسين الكظيم

<sup>11</sup> Дилдора Худжанова. XII асрда мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбалар. – Тошкент.: Тошкент давлат шарқшунослик унверситети, 2021. – Б.21.

доиралар, бахрлар ва уларнинг зиҳф ва иллаларига доир муносабат муаллифнинг арузшуносликда ўз ўрнини қолдириши учун асос бўлди.

**Ар-Рисалатул Андалусийа**”(Андалусий рисолаи).

Ушбу асарнинг муаллифи Абу Жайш Ансорий Андалусий (1229 в.)дир. Асар<sup>12</sup> мухтасар шаклда, назмда ёзилган, унда араб арузидаги 16 та шеър баҳри ҳамда уларнинг аруз ва дарблари ҳақида маълумот келтирилади. Асар 65 байтдан иборат бўлиб, Андалусий арузий бахрларга мисол беришда анъанавий такрорланиб келадиган қадимги араб шоирлари қасидаларидан олинган шеърини байтлардан фойдаланмасдан, ўзи яратган оригинал байтларни тақдим қилади. Бу байтларнинг ўзига хослиги - баҳрга мисол қилиб берилган байтнинг биринчи сўзи ўша баҳрнинг номи ёки ўзагидан олинган сўз билан бошланади. Муаллиф ушбу бахрларнинг арузи ва зарблари сони ва кетма-кетлигини баён қилиш учун абжад ҳисобидан моҳирона фойдаланган.

Асарнинг нусхалари дунё қўлёзма хазиналари бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, улардан бир нечтаси Россия ФА Санкт-Петербург Шарқ қўлёзмалари институти кутубхонасида (С 1001)52 ва Қирол Сауд университети фондида (№82) сақланади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида асарнинг яна бир нусхаси мавжуд бўлиб, №3373 инвентар рақами остида сақланади.

**“Қасидатул хусна”**(Чиройли қасида).

Ушбу асар Садриддин Усмон Савий(1234) қаламига мансубдир. Қасида жанрида ёзилган бўлиб, “Арузул Савий(Савий арузи)номи билан машҳур.

Қасида 306 байтдан иборат бўлиб, тавил баҳрида битилган. Асарга бағишланган шарҳлар, таълиқотлар етарлича. Қасидада анъанавий муқаддимадан кейин мутаҳаррик ва сокин ҳарфлар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Сўнг жузвлар, рукнлар ва бахрлар таърифи баён этилади.

“Қасида ал-Хусна”нинг қўлёзма нусхалари Саудиядаги Уммулқуро университети, Британия музейи, Бағдоднинг Авқоф кутубхонаси ва Германиянинг Лейпсиг университети фондида сақланади<sup>13</sup>

**“Меъярул наззар фи улумимл ашъар”**(Шеър илмларининг ўлчами).

Ушбу асарнинг муаллифи Абд ал-Ваҳҳоб Занжаний (1262в.)дир Озарбайжонда туғилган бўлиб, манбаларда тўлиқ исми Абд ал-Ваҳҳоб ибн Иброҳим ибн Абдул Ваҳҳоб ибн Абу Маъалий Хазражий Мосулий Наҳвий Занжаний шаклида келади. Машҳур асарлари: “Тасриф ал-ъиззи”, “Шарҳ ал-

<sup>12</sup> الرسالة الاندلسية. أبو الجيش الانصاري الاندلسي. جامعة الملك سعود. 1957.  
<sup>13</sup> القصيدة الحسنة لصدر الدين عثمان السّاوي. اعتمى بها مسطفي محمد. 2016.

ҳади” ва “Шарҳ ал-шафия”. “Меъярул назар фи улумимл ашъар” қўлғезмалари Қоҳира (Миср китобар уйи фонди №136), Истанбул (Куприйли кутубхонаси фонди №1392), Дублин (Честер Битти кутубхонаси фонди) ва Бағдод (Ал-Авқоф кутубхонаси фонди №1722) сақланади<sup>14</sup>. Манба 1991 йили Ризқ Хафажи томонидан Қоҳирада нашр қилинган. Асар услубан уч қисмга бўлинган: аруз илми, қофия илми ва бадиъ илми.

**“Калам фиш шъер”**(Шъер ҳақидаги жумла).

Ушбу аср Абу Наср Фаробий (879-950)нинг қаламига мансубдир. Муаллифни бундан ташқари “Китабуш шъер”(Шъер китоби), “Ар-рисала фи қованини синъати”(Шъер санъати қонунлари ҳақидаги рисола) каби асарлари мавжуд. Уларда муаллиф шеъриятдаги баҳрларнинг турлари, уларнинг вазн билан алоқаси, шеърнинг таъсир кучи доираси хусусида сўз юритган. Шеърнинг мусиқа билан боғлиқлиги ҳақида салмоқли фикрлар айтган<sup>15</sup>.

**“Мафатихул улум”**(Илмларнинг калитлари).

Ушбу асар Абу Абдуллоҳ Хоразмий (997 в.)нинг қаламига мансуб бўлиб, қомусий мажмуа ҳисобланади. Биринчи бўлимнинг бешинчи боби аруз илмига бағишланган. Ушбу энциклопедик асар Х асрда Сомонийларнинг учинчи вакили Нух ибн Мансур ҳукмронлиги даври (975 – 997)да ёзилган. “Мафатихул улум”нинг танқидий матни 1895 йилда голланд шарқшуноси Ван Флотен томонидан Лейден, Берлин ва Лондон шаҳарларидаги қўлғезмалар фондида сақланаётган бешта қўлғезма асосида тайёрланиб, нашр қилинган<sup>16</sup>. Ўзбек олимларидан М.Хайруллаев, Р.Баҳодиров ушбу энциклопедик асарнинг турли қирраларини таҳлил қилишган<sup>17</sup>. Шунингдек, М.Зиёвуддинова томонидан Хоразмийнинг “Мафатих ал-улум” асарининг биринчи бўлим бешинчи боби илмий тадқиқ етилган<sup>18</sup>. Олима асарнинг аруз вазни, қофия илми, бадиъшуносликка оид қисмларини таржима ва таҳлил қилиб илмий истифодага киритган.

**“Ал-қистос фи илмил аруз”**(Аруз илмида энг тўғри мезон). Ушбу асар Маҳмуд Замаҳшарий (1075-1144)нинг китобидир. “Ал-қистос” асарининг юқорида санаб ўтилган арузга оид асарлардан фарқи, ундаги “Байтлар тақтеи” фаслида ҳар бир аруз баҳрларига алоҳида байтлар мисол қилиб келтирилган

<sup>14</sup> الزنجاني، حياته و مصانفاته. محمود يوسف فجال. الأعلام. جامعة الإمام محمد بن سعود الإسلامية. 1996.

<sup>15</sup> Аристотель. Поэтика. Масъул муҳаррир И. Султон. Русчадан М.Маҳмудов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 127.

<sup>16</sup> Дилдора Худжанова. XII асрда мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбалар. – Тошкент.:Тошкент давлат шарқшунослик унверситети, 2021. – Б.30.

<sup>17</sup> Хайруллаев М., Баҳадиров Р. Абу Абдуллоҳ ал-Хорезми X век. – М: Наука, 1988. – 144 с

<sup>18</sup> Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, Автореф. дисс. канд. филол. наук.– Ташкент, 1990. 92 б.



ҳамда уларнинг рукнлари бирма-бир белгилаб чиқилган. Ушбу муҳим мавзунинг бундай батафсил ёритилганлиги арузга доир манбаларнинг ҳеч бирида қузатилмайди. Шунингдек, “Шеър асослари” фаслида ҳам аслий рукнларнинг тармоқланиш ҳодисаси ҳамда баҳрлар таснифи ўзига хос услубда таснифланган<sup>19</sup>.

“Мифтаҳул улум”(Илмлар калити).

Ушбу асар хоразмлик аллома Абу Ёқуб Юсуф ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Саккокий(1160-1229) томонидан битилган. Муаллиф асар муқаддимасида шундай изоҳ беради:”Мен ўз китобимга тилшунослик фанининг луғатшуносликдан ташқари зарур бўлган соҳаларини киритдим. Бутун морфология, тоўлиқ синтаксисдан сўнг маъоний ва баён илмларининг ишлатилиш доирасини аниқ тушунтириб беришни зарур деб ҳисобладим. Уларни эгаллаш учун назм ва насрни таҳлил ета билиш кераклигини тушундим, айни вақтда, шоир аруз ва қофия илмларини билишга муҳтож эканлигига ишонч ҳосил қилдим”<sup>20</sup>.

Юсуф Саккокий аруз илмини тадқиқ етишда ўзидан олдинги олимларнинг арузга оид таърифларини зикр етади, айниқса, Халил ибн Аҳмад қарашларини ҳурмат билан тилга олади.

“Мифтаҳ ал-улум” қоълёзмасининг 10 та нусхаси Ироқ давлат музейида сақланади (№8861, №28252, №3010, №767, №21239, №4417, №8780, №8704, №18803, №6795). Шунингдек, Қоҳирада босшқа бир нусхаси (№889) ва Ўзбекистон ФА шарқшунослик институтида №7843 рақамли нусха ҳам мавжуд. Қоълёзма нусхаларининг ичида енг қадимгиси Ироқ давлат музейидаги №8861 рақами остидаги нусха бўлиб, ҳижрий 703 йилда кўчирилган<sup>21</sup>.

Хулоса шуки, олимларни келтиришича саккизинчи ва тўққизинчи асрлар мобайнида 20дан ортиқ арузга бағишланган асар ёзилган. Ушбу мақолада уларнинг бир қисмини эсладик. Албатта туркий, форсий ва урду аруз илмининг ривожланишида ушбу асарларнинг ўрни бекиёсдир. Ушбу асар ва муллифлар билан танишар эканмиз, ўрта асрларда аруз илмига бўлган кизиқиш жуда юқори экани маълум бўлади. Шунингдек, ҳар қандай соҳа ёки фанда китоб ёзган олим бўлсин, албатта, шеърий байтларда арузга мурожат қилган. Бугунги кунда ҳам аруз илми ва мумтоз араб тили билан машғул бўлган мутахассислар ушбу асар ва муаллифлар билан танишсалар, албатта фойда бўлади.

<sup>19</sup> Дилдора Худжанова. XII асрда мовароуннаҳрда яратилган аруз илмига оид манбалар. – Тошкент.:Тошкент давлат шарқшунослик унверситети, 2021. – Б.31.

<sup>20</sup> مفتاح العلوم لابي يعقوب يوسف السكاكي. نشره أكرم عثمان يوسف. جامعة بغداد 1981م 155.

<sup>21</sup> مفتاح العلوم ليوسف السكاكي. المحقق نعيم زرزور. دار الكتب العلمية، بيروت، 1987.